



Колхозчи нави

**Колхозчи** маҳалий нави - жайдари нави, танлаш йўли билан ажратилган. Қурғоқчиликка ўта чидамли. Ҳосилдорлиги дарахтидан 4,5 кг дан

13 кг гача. Пўчоғи юмшоқ, оч жигар рангли, апрел ўрталарида гуллайди, меваси август охирида пишди. Мевасининг ўртача оғирлиги 2,39 г (418 донаси 1 кг келади), 47,5% мағиз чиқади, ёғ миқдори 59,9%, 3-4 чи йили ҳосилга киради.

**Гўзал** маҳалий жайдари нави, танлаш йўли билан ажратилган. Март ойининг охири, апрелнинг бошларида гуллайди, меваси августнинг ва



Гўзал нави

сентябрнинг охирида пишди. Стандарт пўчоқли, сомон рангда, мағзи ширин. Ҳосилдорлиги дарахтидан 12 кг гача. Мевасининг ўртача оғирлиги 2,44 г (461 донаси 1 кг келади), 47,1% мағиз чиқади, унда 60,7% ёғ бор, 3-4 чи йили ҳосилга киради.



Малика нави

**Малика** нави - чатиштириш йўли билан яратилган. Қишқи ва эрта баҳорги совуқларга нисбатан чидамли. Кеч гуллайди, ҳосили сентябр бошларида пишди. Юқори ҳосилли -

дарахтидан ўртача 8-9 кг гача ҳосил беради. Мевасининг пўчоғи юпқа, ўртача оғирлиги 2,02 г, мағизи ширин, чиқиш миқдори 46,9%, ёғ миқдори 59,8%. Дарахти 3-4 йили ҳосилга киради, касаллик ва зараркунандаларга чидамли.



Бодом мевалари

Ушбу буклет “Марказий Осиёда *In situ/On farm* шароитида агробиохилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аجدодлари)” регионал лойиҳаси натижалари бўйича ишлаб чиқилган. Лойиҳа Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистонда амалга оширилмоқда ва Бирлашган Миллатлар ташкилотининг атроф-муҳитни муҳофазалаш дастури (UNEP) қўмағида Глобал Экологик Фонди (GEF) орқали молиялаштирилиб, Bioversity Internationalда мувофиқлаштирилади.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

“Марказий Осиёда *In situ/On farm* шароитида агробиохилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аجدодлари)” (Ўзбекистон компоненти) Bioversity International UNEP-GEF лойиҳасини амалга ошириш Миллий бўлими.

Ўзбекистон Республикаси фанлар Академиясининг генетика ва ўсимликларнинг экспериментал биологияси институти. Манзил: 111226 Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз маҳалласи.

Тел./Факс: (+99871) 2647801 Эл. Почта: [abd\\_uzbek@mail.ru](mailto:abd_uzbek@mail.ru)

Тузувчи: А.Абдурасулов  
Проф. А.Қайимов таҳрири остида  
Дизайн: Холмуротов М.



## БОДОМНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАРИ (*Amygdalus communis* L.)



“Марказий Осиёда *In situ/On farm* шароитида агробиохилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аجدодлари)” (Ўзбекистон компоненти) Bioversity International /UNEP-GEF лойиҳаси

## ИСТИҚБОЛЛИ БОДОМ НАВЛАРИ

Бодом чиройли гулловчи манзарали дарахтдир. Алоҳида ва гуруҳ ҳолида экилганда чиройли кўриниш намоён этади. Тошли қияликларни ўрмонлаштиришда ва мустаҳкамлашда фойдаланилади. Кучли ривожланувчи илдиз тизимига эга. Бодом ўсимлиги қимматбаҳо биологик ва хўжалик белгиларига эга. Янги истиқболли нав ва шаклларнинг табиий ва сунъий чатиштириш орқали яратишда ёввойи бодом катта аҳамиятга эгадир.

Кўп йиллар давомида бодом ва бошқа мевали дарахтларининг кесилиши оқибатида улар эгаллаган майдон кескин қисқариб кетди.



Бодомнинг гуллаши

Экологиянинг ўзгариши ва чорва молларининг кўп миқдорда боқилиши кўплаб дарахт ва буталар, айниқса оддий бодом (*Amygdalus communis* L.) нинг табиий ўсган ниҳолларини нобуд бўлишига олиб келди.

Булардан ташқари табиатнинг бир қатор ноқулай омиллари сув тошқини, тупроқ эрозияси, сел оқимлари, иқлим омиллари (хароратнинг -25-30°C дан паст бўлиши), қурғоқчилик, биотик омиллар, захарли саноат чиқиндилари, зараркунанда, касаллик ва бошқалар ўсимликларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади, натижада қимматбаҳо генофонднинг емирилишига олиб келади.

Янги бодомзорлар барпо қилишда экиладиган навларни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Ширин бодом навларининг ҳилма-ҳиллиги ғоят турлидир. Бодомнинг энг сифатли, истиқболли, навлари серҳосил, меваси йирик, пўчоғи юпқа ва мағзининг миқдори юқори бўлади.

Экиш учун бодомнинг эрта ҳосилга кирадиган, қурғоқчилик ва эрта баҳорги совуқларга нисбатан чидамли, ҳосилдорлиги мўътадил, мағзи мазали, бозор талабларига жавоб бера оладиган қуйидаги истиқболли навлари тавсия қилинади:

**Қиличнусха.** Бу нав бодом билан шафтолини чатиштириш йўли билан олинган дурагай. Қурғоқчилик ва совуққа чидамли, 5-20 апрелда гуллайди, меваси жуда кеч - 17-28 сентябрда пишади.



Қиличнусха нави

Ҳосилдорлиги битта дарахтдан 3-12 кг гача, юқори сифатли, мевасининг ўртача оғирлиги 2,09 г, (532 донаси 1 кг келади), мағзи 53,9% ни ташкил қилади, таркибида 59,9% ёғ бор. Пўчоғи юмшоқ, оч жигарранг, мағзи ширин. Дарахти 3-4 чи йили ҳосилга киради.

**Заветний** жайдари нав. Кечроқ гуллайди, баҳорги қора совуқларга чидамли. Ҳосилдорлиги юқори, хар йили дарахтидан 4,5 кг дан - 12 кг гача ҳосил беради. Пўчоғи стандарт.



Заветний нави

Мевасининг оғирлиги 2,16 г, мағзининг миқдори 56,6%, таркибида ёғ 52,9% ни ташкил этади, 3-4 чи йили ҳосилга киради.

**Ўзбек ғалвираги.** Жайдари нав, эрта гуллашига қарамасдан кеч кўкламги совуқларга нисбатан чидамли, ҳосили ўртапишар. Пўчоғи юпқа, мевасининг ўртача оғирлиги 1,91 г, мағзи ширин ва миқдори 58,8%, ёғлиги 57,7% гача, ҳосилдорлиги битта дарахтдан 6-8 кг гача. 3-4 чи йили ҳосилга киради.



Ўзбек ғалвираги нави

**Кеч гуллайдиган Бўстонлиқ нави** - бодом ва шафтолини чатиштириш йўли билан яратилган. Ҳосилдорлиги битта дарахтдан 4-12 кг гача.



Кеч гуллайдиган Бўстонлиқ нави

Стандарт пўчоқли, оч жигар рангли. Апрельнинг биринчи ярмида гуллайди, меваси 9-20 сентябрда пишади. Мевасининг ўртача оғирлиги 2,12 г (472 донаси 1 кг келади), 44,1% мағиз чиқади, таркибида 59,6 % ёғ бўлади, мағзи ширин, 3-4 чи йили ҳосилга киради.



Консой нави

**Консой** - жайдари нав, табиий танлаш йўли билан ажратилган. Қурғоқчилик ва баҳорги қора совуқларга нисбатан чидамли. Пўчоғи юмшоқ, оч жигарранг, апрел бошларида гуллайди, меваси август охирида ёки сентябр бошларида пишади. Ҳосилдорлиги дарахтнинг ўсиш шароитига қараб 3-8 кг гача. Мевасининг ўртача оғирлиги 2,09 г. Мағзи бодомнинг 48% ини ташкил қилади, таркибида 55% ёғ бўлади, мағзи ширин, 3-4 чи йили ҳосилга киради.

**Тян-шан** маҳаллий жайдари нав, танлаш йўли билан ажратилган. Эртароқ гуллашига қарамасдан, баҳорги қора совуқларга нисбатан чидамли. Ҳосили йирик ва юпқа, дарахтидан суғориладиган ерларда 8-10 кг гача, лалмикор шароитда 4-5 кг гача ҳосил беради. Мевасининг вазни 2,9 г, 49,2% мағиз беради, ёғлилиги 56,1%, меваси август охирида пишади. Дарахти 3-4 чи йили ҳосилга киради.



Тян-Шан нави